# Дарахтга осилган закот пули

Муаллиф:
22.11.2015 22:23 -

Усмонли салтанат рахбари Фотих Султон Мехметхон даврида бир мусулмон бир неча кун айланиб хам йиллик закотини бера оладиган бир факир кишини кидириб тополмади. Шундан сўнг закотнинг кийматига тенг пулни бир хамёнга солиб, Жагалўглидаги бир дарахтга осиб кўйди ва устига: «Мусулмон биродарим, шунча излаганимга карамай, юртимизда закотни беришим мумкин бўлган кишини тополмадим. Агар мухтож бўлсанг, хеч иккиланмай шуни ол», деб ёзди. Аммо хамён уч ойгача ўша дарахтда осилганича колиб кетди. (“Altinoluk” журнали, Истанбул, 1994 йил, 94-сон).
Закот берувчининг химматигаю олувчининг каноатига тасанно бўлсин!